

ШАРТНОМА № 18
(транспорт хизмати курсатиш буйича)

«20» январ 2022 йил.

Шахрихон туман.

"ISMOILJON TRANS AVTO LYUKS" МЧЖ номидан раҳбари Мирзаматов Жавлонбек Мухторжон угли бундан буён бир томондан «Бажарувчи» деб юритилади, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан «Агробанк» АТБ Шахрихонномидан филиал бошқарувчиси Б. Бозоров, бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади, куйидагилар хақида ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. «Бажарувчи» ўзига тегишли бўлган транспорт воситасида «Буюртмачи»нинг буюртмасига мувофиқ одам ташиш бўйича транспорт хизматларини кўрсатишни ўз зиммасига олади. «Буюртмачи» эса «Бажарувчи»га ушбу хизматлар учун хизмат ҳаки тўлашни ўз зиммасига олади.

II. ШАРТНОМА БАҲОСИ.2.1.

т/р №	Хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўм)	Суммаси (сўм)
1.	Одам тташиш	дона	2	3 500 000	7 000 000
	ЖАМИ	X			7 000 000.00

Хизматнинг шартномавий умумий баҳоси Етти миллион сўм 00 тийин

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. «Буюртмачи» маҳсулот учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.2016 йилдаги №422-сонли қарорига асосан етказиб берилаётган маҳсулотнинг 100 % микдорида олдиндан пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Хизматнинг нархи ва шартнома умумий қиймати хизмат курсатилётган кундаги нарх бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ХИЗМАТ КУРСАТИШ МУДДАТИ.

4.1. «Бажарувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг ушбу шартноманинг 9.3. бандида белгиланган давр оҳирига қадар хизмат курсатади.

V. ХИЗМАТ СИФАТИ.

5.1. Курсатилётган хизматнинг сифати белгиланган стандартлар, мувофиқлик сертификати ва меъёрий хужжатлар асосида «буюртмачи»га бажарилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- Буюртмачидан шартномада белгиланган муддат ва тартибда кўрсатилган хизмат учун тегишли тўловни талаб қилиш;
- Буюртмачидан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш.

6.2. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- юкларни ташиш жараёнида автотранспорт воситасининг соз ҳолда бўлишини таъминлаш;
- юкларни белгиланган манзилга ўз вактида ва сифатли етказиб берилишини таъминлаш.

6.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- юкларни ташиш жараёнида Бажарувчи билан келишган ҳолда юкларни етказиб бериш манзилини ўзгартириш;
- Бажарувчи тарафдан юкларни ташиш жараёнида автотранспорт воситаси техник носоз ҳолга келиб қолганда, автатранспорт воситасини техник таъмирлаб бермаслик.

6.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- Бажарувчига шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизмат ҳаки тўловини ушбу шартноманинг 3.1.-бандига мувофиқ ҳисоблаш;
 - Ҳисобланган хизмат ҳаки тўловидан солик қонунчилигига белгиланган соликлар ва йигимларни ҳисоблаб, бюджетга ўтказиб берган ҳолда Бажарувчига хизмат ҳаки тўловини тўлаш;
 - Бажарувчи тарафдан етказиб берилган юкни қабул килиб олинишини таъминлаш;
 - юкни етказиш манзили ўзгарган тақдирда, бу ҳақда Бажарувчини юк юкланишидан олдин хабардор қилиш;
- Бажарувчи ва Буюртмачи қонун хужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши мумкин.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1, Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажармаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда хизматни белгиланган муддатда бажармаганлиги учун кечикирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0,2% миқдорида «Буюртмачи»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечикирилган хизматнинг 10%дан ошмаслиги керак. Лекин,

7.3. «Буюртмачи» курсатилган хизматнинг дастлабки кундан бошлаб 60 кундан сўнгра, кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0,2% миқдорида «Бажарувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечикирилган сумманинг 10%дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий оғатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошка ҳар қандай ҳолатлар тегишилдири.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф килиб бўлмайдиган куч 1(бир) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгариши ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишмаса иқтисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунлар тартибида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор кили мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «20» январдан 2023 йил «31» январача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланганиб Газначилик бошкармасидан рўйхатдан уйказилган сўнг конуний кучга киради.

X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

"ISMOILJON TRANS AVTO LYUKS" MCHJ

Андижон вилоят

Шахрихон шаҳар Р. Ёдгоров куча

Тел: 98 160 20 10


х/р: 20208 000 905 052 607 001

Агробанк АТБ Шахрихон филиали

МФО: 00037 ИНН: 305 776 810

"Ismoiljon trans
avto lyuks" MCHJ раҳбари

Ж. Мирзаматов



«Агробанк» АТБ Шахрихон филиали

Почта манзили: Шахрихон шаҳар

Шоҳ куча 2 уй

Тел: 74-342-28-17; Факс: 74-342-28-17

х/р: 16103000 900 000 037001

МФО: 00037, ИНН: 200 251 466

«Агробанк» АТБ Шахрихон
Филиали бошкарувчиси

Б. Бозоров

Хуқуқшунос хulosasi: Мен ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўёжалик юритувчи субъектлар фаoliyatiining шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги конун ва бошка конун хужжатлari асосида хукукий экспертиза килиб, ҳар иккala ташкилот ҳам давлат рўйхатидан ўткан бўлиб, юридик шахс хисобланниб, ташкилот раҳбари шартномани имзолаш хукукига эга. Шартномада шартнома мазмuni, баҳosi, томонларнинг хукук ва мажбуриятлari, жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда томонларнинг бекориятини олошни аниқладим.

Шунинг учун ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

Хуқуқшунос: _____